

ҚИШЛОК ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИДА ХУҚУҚИЙ НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Наманган Давлат университети

Таянч докторанти Хабибиллаев Баходир

baxodirxabibillayev@gmail.com

Инсонларни асосий озик-овкат маҳсулотлари, саноатни хом-ашё билан таминлашда асосий манбаа бу қишлоқ хужалиги бўлиб, қадимдан иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири саналади. Давлатларaro иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда интеграцион муносабатларни кучайтиришга асосий омил қилиб қишлоқ хужалиги соҳасида фан техника янгиликларига асосланган ҳолда индустриал асосда юксалган, ҳар хил давлатларнинг уз табиий, иқтисодий шароитидан келиб чиқиб ҳар хил қишлоқ хужалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашишини олишимиз мумкин. Давлат раҳбари Ш. Мирзиёев узинг «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик» асарида ҳам ушбу соҳага тўхталиб, «Қамбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини қўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил қишлоқ хужалиги соҳасида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир»¹ эканлигини таъкидлаб ўтади.

Мустиқлик йилларида қишлоқда тўб ислохотлао ўтқазилишига бир қанча сабаблар мавжуд бўлиб, қишлоқни ривожланишини таминламасдан, қишлоқ хужалигини сифат жиҳатдан қайта тикламасдан туриб мамлакатда иқтисодий ислохотлар самарадорлигига эришиб бўлмас, республика аҳолисининг қатта қисмини ташкил қилувчи аҳоли туқинлигини таминлаб бўлмас эди². Қишлоқ хужалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларининг давомли такомиллаша бориши жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хужалиги соҳасини аҳамиятини ҳар қачонгидан қўра ошириб бормокда. Шунинг учун жаҳон қишлоқ хужалиги, унинг иқтисоди, ер, сув, меҳнат ресурслари ва уларнинг узига хос жиҳатларини урганиш бугунги қўннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Чўнки қишлоқ хужалиги иқтисодиётнинг асосий таг

¹ Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. –Т.: «Тасвир» 2021 й. 19 Б.

² И Қаримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни қўқўрлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон». 1994й





томирларидан биридир. Шунингдек бу сохани минтаканинг иклим шароити у ёки бу кишлок хужалик махсулотлари парваришлагга ихтисослашишига кандай тасир килишини урганиш ҳам катта ахамиятга эга. Кишлок хужалиги аҳоли учун озик-овкат махсулотлари етказиб бериш билан бир катор саноат тармоклари (озик-овкат, омухта ем, тукимачилик, дори-дармон, атир-упасаноати ва бошқалар)ни хом ашё, от-улов билан тامينлайди, дехкончилик тармоклари (далачилик, сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик) ҳамда чорвачилик тармоклари (коромолчилик, куйчилик, паррандачилик) ни уз таркибига олади. Бу тармоқларни биргаликда ривожлантириш моддий ва меҳнат ресурсларидан тугри фойдаланиш имконини беради.

Кишлок хужалик ишлаб чиқариш қулами кенгайиб, махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортигани билан дунё аҳолисининг муайян қисми туйиб овкат истемол қила олмайди. Шунинг учун ҳам кишлок хужалиги соҳасида инновацион агротехник тадбирлар, янги инновацияларни давомли жорий қилиб бориш, бу соҳада тадбиркорлик субъектларини қупайтириш ахамиятлидир.

Маъмурий буйруқбозлик ва марказдан туриб режалаштиришга асосланган бошқариш Ўзбекистон мустақилликка эришгач барҳам топди. Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш, хусусийлаштириш каби тушунчалар Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келди. Кишлок хужалигида хужалик юритишнинг янги шакллари: дехкон, фермер ва ширкат хужаликлари вужудга келди ва ривож топа бошлади. Ушбу жараёнларга давлатнинг узи раҳбарлик қила бошлади. Кишлок хужалигини ислох қилиш жараёнида муҳим стратегик устувор масала соҳани таркибий жиҳатдан ўзгартириш йули билан қуп ўқладли нодавлат мулк товар ишлаб чиқарувчилар бугинларини шакллантиришга қаратилади. Кишлок хужалиги соҳасидаги ислохотларнинг туб моҳияти мулкчилик ҳамда хужалик юритишнинг турли қуринишларига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни вужудга келтириш орқали ижтимоий йуналтирилган бозор муносабатларини таркиб топтиришдир. Кишлок хужалиги соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қурсатаётган мулкчилик субъектларининг асосий мақсади кишлок хужалик махсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, бунинг натижасида кишлоқда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ижобий силжишлар амалга оширишдир. Кишлок хужалиги соҳасида тадбиркорлик юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Хусусан мустақилликдан сунг

Ўзбекистонда коперативлар, фермерлар, жамоа хужаликлари каби юридик шахслар шаклланган бўлса, дехкон хужаликлари ёки богдорчилик хужаликлари курунишида жисмоний шахсларга тегишли мулк курунишлари қарор топди.

Кишлоқ хужалигини ривожлантириш бўйича янги қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар мустақилликнинг дастлабки даврларидаёқ қабул қилинган. Масалан: «Дехкон (Фермер) хужаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тугрисида»³ (1991 йил 21 декабр) қарор қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида ташкил қилишда катта аҳамиятга эга бўлди³.

Олий Мажлиснинг 1995 йил 29 декабрдаги 4 сессиясида давлат раҳбари Ислам Қаримов айтиб ўтганидек: «Қишлоқда тўб ислохотларни ўтказиш, қишлоқ хужалигини ривожлантириш, бу соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Республика иқтисодиёти юксалтиришнинг асосий манбаи ва сабабидир»⁴ Шунинг учун ҳам қишлоқ хужалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида муҳим чора-тадбирлардан бири соҳада раҳбарлик янгиланди, Хусусан 1992 йилда давлат раҳбари қарори билан Қишлоқ хужалиқ масалалари билан шуғулланувчи комплекс ташкил этилди. 1996 йил 3 апрелда Президент «Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тугрисида» қарор чиқарди. Ушбу қарорда қишлоқда ислохотларни қўқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирлар назарда тутилган эди.

Мустиқлик йилларида Қишлоқ хужалиқ соҳасида бозор муносабатларни шакллантириш, қишлоқ хужалиқ соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан 1993 йилда «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хужалигида иқтисодий ислохотларни янада қўқурлаштириш чора тадбирлари тугрисида» Қарорлар Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда зарар қўриб ишловчи ва паст рентабелликка эга бўлган давлат хужалиқларини босқичма-босқич нодавлат мулк қўрунишига ўтказиш назарда тутилган эди. Наманган вилоятида бундай хужалиқлар 1993 йил ҳолатига қўра 6 тани ташкил

³ Н. Жураев, Т. Файзуллаев. Ўзбекистон янги тарихи. – Т.: «Шарқ». 2000й.355Б

⁴ Халқ сузи. 1995йил 23 декабр



киларди⁵. Ислохотдан кузланган мақсад кишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни ўзгартириш, жамов ва ижара қуринишидага янги мулкчилик субъектларини ташкил қилишдан иборат бўлиб, фермер, кооператив, деҳқон хўжаликлари ва бошқа турдаги хўжаликларга ерга ўзок муддат егалик қилиш ҳамда етиштирган маҳсулотларни мустақил тақсимлаш ҳуқуқини бериш назарда тутилган.

Президент Ислон Қаримов тақидлаб утганидек деҳқонни ер эгаси қилиш мақсадимизни амалга ошириш учун уларга ерни ўзок муддатга фойдаланишга бериш керак. Ислохотларни мазмун вамоҳиятидан қлиб қикиб, турли туман товар ишлаб қикарувқилар фаолиятини бозор муносабатларига мослаштиришга қиришилди. 1998 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Кишлоқ хўжалигини ислон қилишга муофик кишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора тадбирлари тугрисида» ги қарорига муофик 1998 йилда 65 та, 1999 йилда 913 та, 2000 йилда 776та, 2001 йилда 113 та ва 2002 йилнинг биринчи ярмида 66 та кишлоқ хўжалиги қорхонаси ширкат хўжалиқларига айлантйрилди⁶. Натижада 2002 йил ҳолатига қура 1863 та ширкат хўжалиги ташкил этилиб, бу ширкат хўжалигида ишловқилар сони 1427,8 минг нафарни ташкил этди.

1998-2000 йилларда кишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислонотларни қуқурлаштириш, кишлоқ хўжалигида мулкдорлар синфини шакллантириш, аграг соҳада ишлаб қикариш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 мартдаги «1998-2000 йилларда кишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислонотларни қуқурлаштириш дастурини амалга оширишчора тадбирлари тугрисида» ги қарори қабул қилинди. Ушбу хўжжат асосида кишлоқ хўжалигида ҳусусий мулкчилик ва мулкй муносабатлар, кишлоқ хўжалиги қорхоналарининг ҳуқуқй ва иқтисодий мустақайллигини, ер егаси туйғусини деҳқонларда қарор топтириш, кишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган жисмони ва юридик шахсларнинг моддий манфаатдорлигини тамишлашни, замонавий технологияларни жорий қилишни мустаҳкамлаш

⁵ <https://lex.uz/uz/docs/-569702>

⁶ Ш. Зиёвиддинов. Кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: «Ўзбекистон ёзувқилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси» 2004 й.17Б



ётади⁷. Бу эса кишлок жамиятида замонавий инфратузилмага эга булган бизнес субектлари яратилишига асос булади.

Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 5 январда қабул қилинган «Кишлоқ хўжалиги қорхоналарини фермер хўжалаикларига айлантириш чора тadbирлари тугрисида» ги қарори кишлок хўжалиги соҳасида тadbиркорлар қўпайишига олиб келди⁸. Хўсусан зарар билан ишловчи ҳамда қўрсатғичи паст қорхоналар фермер хўжалигига айлантирилди. Бундан ташқари кишлок хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислохотларнинг давоми сифатида 2003- йил 27- октабрда Ўзбекистон Республикаси президентининг «Кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тугрисида» ги (2003) ва «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсия тугрисида»⁹ (2003) ги фармонлари, «Фермер хўжалиги тугрисида» (2004), «Наслчилик тугрисида» (1996), «Чорвачилик хўсусий тadbирқорни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тугрисида» (1996) ги қонунлари ва бошқа меърий хўжатлар фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситаларига булган манфаатли муносабатларини тулақонли шаклландувиға кенг йўл очиб берди¹⁰. Бундан қўринадики барча қарорларда асосий кишлок хўжалигимахсулотларини ишлаб чиқарувчи соҳанинг имқониятларини кенгайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октабрдаги ПФ 5853 сонли «Ўзбекистон Республикасида кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мулжалланган стратегиясини тасдиқлаш тугрисида»¹¹ ги фармонида ҳам кишлок хўжалигини ислох қилиш, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини соҳада кенг жорий қилиш ва замонавий техникаларни кишлок хўжалигига жалб қилиш масаларига кенг ургу берилган.

Хўлоса қилиб айтганда кишлок хўжалиги соҳасида тadbирқорликни ривожлантиришда ҳуқуқий меърлар муҳим урин эгаллайди. Бу ҳуқуқий нормативлар кишлок хўжалигида тadbирқорлик фаолияти билан шугулланувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси вазифасини уташ билан бирга

⁷ <https://lex.uz/uz/docs/-1576395>

⁸ <https://lex.uz/uz/docs/-242966>

⁹ А. Абдуллаев. Фермер хўжалиги иқтисоди. –Т.: «Алоқачи» 2008 й. 4 Б.

¹⁰ З. Артуқметов. Кишлоқ хўжалиги асослари. –Т.: «Ўзбекистон файлосуфлар миллий жамияти» 2012 йил. 5Б.

¹¹ <https://lex.uz/docs/4567334>



кишлок хужалигида адолатни тامينлайди, инновацияларни куллаб кувватлайди ва албатта тадбиркорлик субъектларининг ҳукукий манфаатларини химоя қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. –Т.: «Тасвир» 2021 й. 19 Б.
2. И Каримов. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т.: «Ўзбекистон». 1994й
3. Н. Жураев, Т. Файзуллаев. Ўзбекистон янги тарихи. – Т.: «Шарк». 2000й.355Б
4. 4.Халк сузи. 1995йил 23 декабр
5. <https://lex.uz/uz/docs/-569702>
6. Ш. Зиёвиддинов. Кишллок хужалиги иктисодиёти. –Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси» 2004 й.17Б
7. <https://lex.uz/uz/docs/-1576395>
8. <https://lex.uz/uz/docs/-242966>
9. А.Абдуллаев. Фермер хужалиги иктисоди. –Т.: «Алоқачи» 2008 й. 4 Б.9
- 10.3. Артуқметов. Кишллок хужалиги асослари.-Т.: «Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти» 2012 йил. 5Б.
- 11.<https://lex.uz/docs/4567334>